



ORCID: 0000-0003-0981-8565

ИЛМИЙ МАҚОЛАДА АКАДЕМИК УСЛУБНИ ҚҮЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Салоева Ҳилола Равшан қизи,
“Илм-фан ва инновацион ривожланиши”
журнали бош мухаррири
E-mail: Saloeva.hilola@mail.ru

Ёш олимлар, тадқиқотчи-докторантлар биринчи маротаба илмий мақола ёзишга киришганды, бир қатор қийинчилекларга дуч келишади. Авваламбор, жаңр масаласи тушунарсыздең туюлади – илмий мақоланы, унинг таркибий қисмларини түғри расмийлаштиришда қийналишади. Ҳар бир журнал таҳририяти муаллифлардан илмий мақолага ўзлари томонидан ишлаб чиқилган талаблар бўйича мақола тақдим этишни сўрайди. Бироқ айрим ҳолларда мақола ушбу талабларга мослаб тайёрланган бўлса-да, қабул қилин-маслиги мумкин. Энди уни бошқа таҳририятга йўналтиришга түғри келади. Ҳар бир таҳририятнинг ўзига яраша талаблари бор. Бу жараён чексиз давом этиши мумкин. Бироқ бунинг олдини олса бўлади. Биринчидан, ҳар қандай илмий мақоланинг илмий жамоатчилик томонидан умумқабул қилингандык нормалари бор. Бу IMRAD стандарти. Бу нормалар асосида ишлаб чиқилган талаблар тўғрисида журналинизнинг олдинги сонларида батафсил маълумот берганмиз. Ушбу формат бўйича тайёрланган мақола мукаммал ва түғри расмийлаштирилган ҳисобланади. Бироқ илмий тадқиқотни илмий мақола қолипига солиш билан иш тугалланган ҳисобланмайди. Яна бир бошқа масала ёш тадқиқотчи олдида туради. Бу – услуг масаласи.

Маълумки, илмий мақолалар илмий услуг қоидаларига таяниб ёзилади. Шунингдек, фанда академик услуг тушунчаси ҳам мавжуд. Бу икки услубнинг ўзаро фарқли жиҳатлари нимада, деган савол туғилади. Ушбу саволга жавоб бериш учун биз илмий мақола жанри ва унинг турларини яхши фарқлай олишимиз зарур.

Илмий мақола турлари

Эмпирик мақолада оригинал тадқиқот натижалари келтирилади. Бунда мақола мат-

ни ўтказилган тадқиқот босқичларига монанд бўлиши керак.

Назарий мақола. Бунда мавжуд адабиётлар негизида янги назарий тушунчалар, қоидалар, таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Бу каби мақолалар:

- назариянинг ривожланиш таҳлили ва назарий конструкт (илмий таҳлил ва умумлашма)ларнинг тафсилотларига;
- янги назарияни тақдим этишга;
- мавжуд назариянинг таҳлилига (масалан, унинг камчиликларини кўриб чиқиши);
- бир қанча назарияларни солишириш, бирининг иккинчиси олдидаги афзаллик жиҳатларини очиб беришга бағишиланиши мумкин.

Эмпирик маълумотлар назарий муаммо ечими учун зарур бўлган тақдирдагина мақолага киритилади.

Методологик мақолада:

- янги методологик ёндашув;
- мавжуд метод модификацияси;
- илмдаги миқдорий ва таҳлилий йўналишлар муҳокама қилинади.

Методологик мақола батафсил ёзилиши керак, зоро, унда келтирилган методология ўқувчи томонидан баҳоланади, бошқа методологиялар билан солиширилиб, афзаллик жиҳатлари аниқланади.

Адабий таҳлил – илгари чоп этилган тадқиқот натижаларини тақдим этиши.

Бу каби мақолалар қўйидагиларни ўз ичига қамраб олиши керак:

- муаммонинг қўйилиши (унинг тавсифи ва таърифи);
- илгариги тадқиқотлар мазмуни;
- асосий хulosалар, адабиётлардаги мавжуд қарама-қаршиликлар;
- ушбу муаммони бартараф этиш бўйича таклифлар.



Мавзуга оид тадқиқот – жамиятдаги маълум бир ҳолат, жараён бўйича хисобот, олиб борилган тадқиқот.

Бу турдаги мақола қуйидаги жиҳатларни камраб олиши мумкин:

- аниқланган муаммонинг тавсифи;
- аниқланган муаммони ҳал этиш усулларини таҳлил қилиш;
- маълум бир соҳада тадқиқотларни олиб бориш заруриятини исботлаш;
- мавжуд назарий қийинчиликларни таҳлил қилиш.

Юқорида келтириб ўтилган илмий мақола турларида академик услугуб қўлланилади. **Илмий-таҳлилий, илмий-оммабоп мақолаларни ёзишда эса илмий услугуб қоидалари ишлатилади.** Буни эслаб қолиш ва фарқлаш муҳим! Илмий-таҳлилий ва илмий-оммабоп мақолалар илмий журналларга тақдим этилмайди ва илмий тадқиқотларни қоғозга туширишда бу жанр туридан фойдаланилмайди! Бу хатога аксарият муаллифлар йўл қўйишади. Илмий журналларга илмий-оммабоп мақолалар тақдим этишади ва бу каби мақолаларнинг рад этилиши сабабини тушунмай, эътиroz билдиришади.

Эндиликда академик услугуб масаласига тўхталиб ўтсак.

Академик услугуб масаласи, илмий мақолада қўлланиладиган тил нормалари

Ахборотни академик услугубда баён қилишдан кўзланадиган мақсад – илмий тадқиқот натижалари, илм-фанга оид маълумотлар ҳақида хабардор қилиш, уларни шарҳлаш, тушунтиришдан иборат бўлиб, нутқ шахссиз шаклда ифодаланади.

Академик услугубда баён қилиш услубий жиҳатдан қуйидаги типик хусусиятлар билан ажратиб туради: семантик (маъновий) жиҳатдан олганда, аниқлик, сўзлаб бериш вақтида образлилиқдан қочиш, яъни предмет ва обьектга шарҳ берганда, уларни жонли, таъсиран қилиб тасвирлашдан сақланиш, ҳис-туйғуларга ортиқча берилмаслик, предмет ҳақида тегишли маълумотларни баён қилиш вақтида обьективлик (холислик, бегаразлик)ка асосланиш, талабчанлик ва бошқалар.

Академик услугубда баён қилишнинг қуйидаги хусусиятлари (сифат белгилари) ажратиб кўрсатилади:

1) фикрларнинг мантиқий изчиллик асосида баён қилиниши;

2) предметга оид мулоҳазаларни баён қилиш вақтида матннинг айрим қисмлари ўртасидаги алоқадорликни таъминловчи тизимлиликка риоя этилиши;

3) фикрларни баён қилишда аниқликка интилиш, асосий атамаларни бир хил маънода қўллаш, мулоҳазаларнинг маънодорлигини таъминлаш ва айни вақтнинг ўзида баённинг қисқа (лўнда) бўлишига эришиш.

Фикрларни академик услугубда баён қилишнинг асосий хусусиятлари жумласида фикрларнинг аниқлиги (тўғрилиги), мантиқий жиҳатдан тўғрилиги, обьективлигини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Таъкидламоқчимизки, айнан юқорида санаб ўтилган асосий хусусиятлар барча нутқ воситаларини бир тизимга бирлаштириб, функционал жиҳатдан фикрларни академик услугубда баён қилишга имкон беради. Фикрларни академик услугубда баён қилиш вақтида маҳсус илмий ва терминологик лексика (тилнинг сўз бойлиги, луғат таркиби) қўлланилади. Сўнгти вақтда бу соҳада халқаро миёсда эътироф этилган илмий тушунчалар кўпроқ ишлатиляпти.

Мухтасар қилиб айтганда, фикрларни академик услугубда баён қилиш жараёнининг негизида ётадиган устувор ғоя шундан иборатки, жараён давомида предмет ёки обьектни ўрганиш ва уни изоҳлаш учун маҳсус илмий терминологиядан тўғри фойдаланиш керак, ёзма нутқ қатъий равишда мантиқий изчиллик асосида ифодаланиши лозим.

Илмий тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини тўғри таърифлаш ва тавсифлаш, худди шунингдек, илмий ишланмаларнинг илмий аппаратини тўғри ва изчил очиб бериш каби лаёқатни тўлиқ намоён эта билиш пировард натижада ёзилган илмий иш (монография, диссертация, доклад, маъруза ёки мақола) нинг мазмун-моҳиятини тўғри англаб етишга катта таъсири қиласи. Шу боисдан ҳам бўлажак илм-фан намояндалари, олимлар илмий саводхонликнинг юқорида айтиб ўтилган омилларига жиддий эътибор қараштишлари лозим.